

СОВУНЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА АНТИСЕПТИК ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ АНАЛИЗИ

¹Жураев Аббос Азамат ўғли

²Хусанбоев Зиёвуддин Уматали ўғли

³Абдумахмудов Нурбек

Наманган муҳандслик-қурилиш институти талабалари

gayipovski@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7481071>

Буюк британияда тарқалаётган янги турдаги коронавирус ваҳимаси бутун Европага тарқалди. 22-декабрь санасидан бошлаб Ўзбекистон ҳам Британия ва янги штамм аниқланган бошқа мамлакатлар билан авиақатновларни тўхтатди. Хўш, янги вирус нега хавфли? Янги турдаги коронавируснинг хавфлилиги шундаки, у оддий коронавирусдан тезроқ тарқалади. Шунингдек, у янгича таркибда бўлгани учун шу вақтгача самарали бўлган дорилар таъсирида йўқолмаслиги мумкин. Чунки вируснинг янги тури мутацияга учраш оқибатида пайдо бўлган. Унинг мутацияга учрашига иммунитети суст бўлган одам танасига тушиш орқали ривожлангани, одамлар ўртасидаги контактлар узилмай қолгани ва кўпчилик карантин қоидаларига риоя қилмай қўйгани сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам маскасиз юрмаслигимиз, қўлни ҳар доим совунлаб ювишимиз ва кўчада антисептик воситаларидан фойдаланишимиз зарур. Совун таркибидаги антисептик қўшимчалар унинг дезинфекцияловчи хоссаларини кучайтиради. Антисептик қўшимчалар сифатида қуйидагилар ишлатилади: фенолнинг гелогенли ҳосилалари, дифенил эфири, дифенилмочевина, силицил ва трихлорсирка кислоталарининг анилидлари; борат ва карбол кислоталар, гидрирланган канифол. Ҳозирги кунда кўпчилик фирмалар антисептик қўшимчалар сифатида асосан борат кислотасини ишлатишади.

Антисептик воситалар – совун ва сув етарли бўлмаган муҳитда қўлнинг элементар гигиена қоидаларини сақлашда ишлатилади ва ҳар хил шаклларда мавжуд бўлади: суюқ эритма, гель ва пена. Қўл антисептикларининг асосий таркибий қисмлари изопропанол, этанол, н-пропанол ёки повидон-йоддир. Полиакрил кислота, глицерин, пропиленгликол ва ўсимликларнинг эфир мойлари ёрдамчи воситалар ҳисобланади. Барча антисептиклар таркибида спирт, учламчи ёки тўртламчи аминлар, бензалконий хлоридининг сирт-таъсир агенти триклозан – ароматик бирикмаларнинг хлорли бирикмаси мавжуд.

АҚШ юқумли касалликлар назорати ва профилактикаси маркази тасдиқлашича таркибида 80 % дан юқори миқдорда спирт тутган

антисептик воситаларгина сувсиз ва совунсиз муҳитда вирусларга қарши ҳимоя қила олади. Изопропил спирт эса 30 сония ичида 99.9 % вирусларни йўқ қила олади.

Совун таркибидаги фенол типи антисептиклардан энг муҳимлари хлортутган гексихлорофен ва иргазан ҳисобланади. Гарчи кўпчилик хлортутган антисептиклар фотосенсибилизаторлар ҳисоблансада сезувчанлиги юқори бўлган терида дерматит чақириш хусусиятига эга, шунинг учун ҳозирги кунда уларни ишлатиш чегараланган, уларнинг баъзилари, жумладан, гексахлорофенни ишлатиш умуман маън этилган. Бромҳосилалари, масалан 3,4,5-трибромсалициланилид хлорҳосилаларидан кўра терида таъсири анча яхши, лекин эффективлиги пастроқ ва қимматроқ. [19]

Инсониятнинг тарихида унинг фан ва техника соҳасидаги ривожланишида кимё фани етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги вақтда кимё фанлари 20 та бўлиб, улардан 19 таси Америка ва Европа қитъалари мамлакатларининг олимлари томонидан яратилган. 20-кимё фани – 02.00.22 – “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш” (ТКТАСС) Ўзбек олимлари т.ф.д., академик Т. Т. Рискиев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, к.ф.д., профессор И. Р. Аскарлов томонидан очилган.

Ушбу фан ахборотлашган жамиятнинг янада ривожланишида тарихий зарурат сифатида вужудга келди. Чунки, ҳар қандай кўринишдаги товар – бу кимёвий бирикмалар мажмуасидир. Демак, товарнинг сифат кўрсаткичи, аслиги, таннархи, экологик зарарсизлигини белгилашда албатта унинг кимёвий таркибини ўрганиш ва шунга мос равишда товар кодини аниқлаш талаб этилади. Товарнинг рақамли коди Ташқи иқтисодий фаолиятда товар номенклатураси (ТИФТН) асосида белгиланади. Бу билан товар ҳақидаги барча маълумотлар 10 хонали рақамли ахборот кетма-кетлигига айлантирилади.

ТКТАСС фани ютуқларининг Ўзбекистон Давлат Божхона Қўмитаси фаолиятига жорий этиш орқали Божхона амалиётида товарларни импорт ва экспорт жарёнларини бир неча баробарга тезлатиш мумкин бўлди. Бундан ташқари, 2008-2016 йиллар мобайнида янги фаннинг Республика ғазнасига келтирган қўшимча фойдаси 100 млрд.сўмдан ошиб кетди. Янги фан кашф қилингандан буён ўтган давр мобайнида ишлаб чиқаришда, иқтисодиётда, халқ хўжалигида, халқаро товар айирбошлаш тизимида катта ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, ушбу янги тадқиқот йўналишлари, ўрганиш усуллари, объектлари ва халқаро майдондаги ўрни

кенгайди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари доктори, профессор Иброҳим Рахмонович Асқаров томонидан янги таҳрирдаги паспорти ва фан номи таклиф этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг кимё ва фармацевтика фанлари бўйича эксперт кенгаш тавсиясига кўра, ОАК раёсатининг 28-сентябрь 2017 йилдаги № 242/4 қарори билан фаннинг янги 02.00.09 – “Товарлар кимёси” номи, фан шифри, ва паспорти тасдиқланди.

Совун маҳсулотлари Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасида 34-гурӯҳнинг 3401-позициясида жойлашган:

3401 Совун; қадоқланган турли шаклдаги совун сифатида қўлланиладиган, совун сақловчи ёки сақламайдиган сирт фаол органик моддалар ва воситалар; совун сақловчи ёки сақламайдиган қадоқланган терини ювиш учун суюқлик ёки крем шаклидаги сирт фаол органик моддалар ва воситалар; қоғоз, пахта, войлок ва нотўқима материалларга шимдирилган совун ёки ювувчи восита:

– шаклли маҳсулот сифатида қадоқланган совун ёки сирт фаол органик моддалар ёки қоғоз, пахта, войлок, фетр ёки нотўқима материалларига совун ва ювувчи восита шимдирилган ёки суртилган совун ва сирт фаол моддалар:

3401 11 000 – – туалет совуни (дори воситалари сақловчилар ҳам):

3401 11 000 1 – – – туалет совуни (дори воситалари сақловчилар ҳам)

3401 11 000 9 – – – бошқалар

3401 19 000 0 – – бошқалар

3401 20– турли шаклдаги совунлар:

3401 20 100 0 – – кўпик, вафли, гранула ёки кукунлар

3401 20 900 0 – – бошқалар

3401 30 000 0 – совун сақловчи ёки сақламайдиган қадоқланган терини ювиш учун суюқлик ёки крем шаклидаги сирт фаол органик моддалар ва воситалар. [2]

3401 товар позициясида совун ибораси остида фақат сувда эрийдиган совун тушунилади. Бу товар позицияси маҳсулотлари таркибида қўшимчалар (дезинфекцияловчи воситалар, абразив кукунлар, тўлдирувчилар, доривор моддалар) сақлаши мумкин. Абразив кукунлар сақловчи маҳсулотлар 3401 позициясига фақат бруска, бўлаклар, қадоқланган маҳсулотлар сифатида киритилган. Худди шу маҳсулотлар 3405 позициясида “тозаловчи кукунлар ва ўхшаш воситалар” сифатида киритилган.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, 3401 11 000 9 бошқалар – субпозициясига ўз таркибида антисептик воситалар сақловчи совунларни киритишни таклиф этамиз, чунки бу совун турлари сўнгги вақтда бошқаларига нисбатан кўпроқ истеъмолчилар томонидан талаб этилмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Сайфиддинов, О., Ғойипов, А., & Рахмонов, Д. (2022). КОМПОЗИЦИОН ФЕНОЛ-ФОРМАЛЬДЕГИД СМОЛАЛАРИНИ ТЕРМИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ.
2. Mukhammadjon, J., Dilshod, R., & Botirov, E. (2022). ESSENTIAL OIL COMPOSITION OF TWO SPECIES OF SCUTELLARIA AERIAL PARTS FROM UZBEKISTAN AND THEIR ANTIMICROBIAL ACTIVITIES. BEST SCIENTIFIC RESEARCH, 1(1), 208-215.
3. Ғойипов, А. (2022). ТЕРМОПЛАСТИК ПОЛИФИРЛАР ИШРИРОКИДА МОДИФИКАТСИЯЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ.
4. Ergashev, S., Ғойипов, А., & Alimuxamedov, M. (2022). КОМПОЗИЦИОН ФЕНОЛ-ФОРМАЛЬДЕГИД ОЛИГОМЕРЛАРИНИНГ ТАРКИБИНИ НЕФЕЛОМЕТРИК УСУЛДА ОЎРГАНИШ. Science and innovation, 1(A5), 424-430.
5. Rakhmonov, D., & Gayipov, A. (2022). STUDY OF COMPOSITION AND CRITICAL PARAMETERS OF DUST FROM LOCAL COTTON INDUSTRY. International Bulletin of Applied Science and Technology, 2(9), 77-81.
6. Ғойипов, А., Мамаюнусова, М., & Ergasheva, Z. (2022). ҚОВОҚ МАГЎЗИНИНГ ТАРКИБИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ.
7. Azizbek, G., & Muzaffar, D. (2022). PRODUCTION OF POLYESTER BASED ON ADIPIC ACID AND DETERMINATION OF OPTIMAL COMPONENT RATIO OF COMPONENTS. Universum: технические науки, (7-4 (100)), 43-46.
8. Usmonova, Z., Boyturaev, S., Soadatov, A., Ғойипов, А., & Dehkanov, Z. (2018). PROCESSING OF CALCIUM NITRATE GRANULATED CALCIUM SALTPETER. Scientific-technical journal, 1(2), 98-105.
9. Шеркузиев, Д. Ш., & Арипов, Х. Ш. (2020). ВЛИЯНИЕ ГИДРОГЕЛЯ НА МЕХАНИЧЕСКИЙ СОСТАВ И АГРОХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НЕОРОШАЕМЫХ ПОЧВ. ВВК 79, 859.
10. Mukhammadyusuf Zokirov, & Azizbek Gayipov. (2022). METHODS OF PREVENTION OF YOUTH INTERNET DEPENDENCE. BEST SCIENTIFIC RESEARCH -2023, 2(1), 83-92.
11. Абдухакимов, Т. Т. У., Шеркузиев, Д. Ш., & Арипов, Х. Ш. (2020). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ ДЛЯ ПРОИЗВОДСТВА КЛИНКЕРА.

- Universum: технические науки, (10-2 (79)), 31-33.
12. Tal'At, A., Doniyor, S., & Khayrullakhan, A. (2022). OBTAINING A NEW TYPE OF HYDROGEL BY POLYMERIZING FARPAN WITH FORMALIN AND VARIOUS ADDITIVES. *Universum: технические науки*, (4-13 (97)), 9-13.
13. Shermatov, A., & Maulyanov, S. (2022). KINETICS OF ISOLATION OF COLCHICINE AND COLCHAMINE ALKALOIDS FROM PLANT CONTENTS. *Science and Innovation*, 1(5), 431-436.
14. Qobuljon, A., Ibrohim, R., & Gayipov, A. (2022). METHOD OF DETERMINATION OF FURFURYL ALCOHOL. *Scientific Impulse*, 1(4), 1774-1778.
15. Юсупов, И., Зокиров, М., & Сайфиддинов, О. (2022, October). БИОГОМУС ЎЎИТЛАРИ. БИОГОМУСНИНГ ХОССАЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ. In *Международная конференция академических наук (Vol. 1, No. 29, pp. 17-24)*.
16. Shamshidinov, I., Kodirova, G., Sayfiddinov, O., & Zakirov, M. (2022). METHOD OF APPLICATION OF BIOGUMUS AS WELL AS OBTAINING LIQUID BIOORGANOMINERAL FERTILIZERS FROM RAIN WORM BIOGUMUS. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 2(10), 40-46.
17. Нажмиддинов, Р. Ю., Мелиқўзиева, Г. Қ., Зокиров, М., & Юсупов, И. (2022). Марказий Қизилқум фосфоритларидан таркибида кальций ва магний бўлган концентранган фосфорли оддий ўғитлар олиш. *Ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali*, 2(6), 56-61.
18. Шеркузиев, Д. Ш. (2008). О составе жидкой и твердой фаз продуктов разложения фосфоритов Центральных Кызылкумов при пониженной норме азотной кислоты. *Узб. хим. ж.*, (3), 63.
19. Sherquzyev, D. S., Shirinov, S. D., Yusupov, M. O., & Asqarova, O. (2018). HYDROGEL PRODUCTION OF NEW GENERATION BASED ON LOCAL RAW MATERIALS. *European Science Review*, 1(11-12), 141-145.
20. Зокиров, М. (2022). ЁШЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ИЛМИЙ ПЛАТФОРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ. *Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot*, 1(28), 107-110.
21. Мирзаев, А. Н., Рахмонов, Д., & Буриева, З. Р. (2022). Влияния Режимных Параметров На Степень Очистки В Двухступенчатом Аппарате. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES*, 3(5), 10-14.
22. Shermatov, A., & Maulyanov, S. (2022). ЎСИМЛИК ТАРКИБИДАН КОЛХИЦИН ВА КОЛХАМИН АЛКАЛОИДЛАРИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ КИНЕТИКАСИ. *Science and innovation*, 1(A5), 431-436.
23. Jo'rayev, M. (2022). КО'КАМАРОН О'СИМЛИГИНИНГ КОДЕНСИРЛАНГАН

FENOLLI BIRIKMALARI. Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot, 1(23), 114-116.

24. Zokirov, M., & Gayipov, A. (2023). METHODS OF PREVENTION OF YOUTH INTERNET DEPENDENCE. BEST SCIENTIFIC RESEARCH-2023, 2(1), 83-92.

25. Zokirov, M., Abdug'aniyev, A., & Yusupova, M. (2022). KIMYOVIY ANALIZ USULLARI ASOSIDA O'SIMLIKDAGI FLAVONOIDLARNI ANIQLASH. Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot, 1(28), 172-175.

26. Doniyor o'g'li, R. D., & Tohirjon o'g, A. T. A. (2022). EGILUVCHAN POLIMERLARNING MOLEKULYAR STRUKTURASI VA XOSSALARI. Scientific Impulse, 1(4), 1769-1773.